ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА ТУРИСТИК ОҚИМНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Бахромова Дилбар Бахромовна
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика Агентлиги етакчи мутахассиси, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), в.б доцент

https://doi.org/10.5281/zenodo.8051943

Аннотация. *Туристик оқим, туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, туризмнинг норматив-ҳуқуқий базаси, туризм хизматлар бозори, Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва уларнинг сафар мақсадлари бўйича статистик маълумотларнинг аналитик таҳлил жараёнлари ёритилган.*

Калит сўзлар: *туризм, инфротузилма, ислоҳ, статистика.*

Мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш, бу соҳани тубдан такомиллаштириш ҳамда туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш мақсадида давлатимиз томонидан жаҳон тажрибаларини ўрганган ҳолда кўп укладли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, туризм фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда тегишли Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарор ва фармонлари ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сонли “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4311-сонли “Самарқанд шаҳрида “Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети” федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги 669-сонли “Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида пулли хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш тўғрисида”ги қарори ҳамда 2019 йил 21 сентябрдаги 793-сонли “Йўл бўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш яора-тадбирлари тўғрисида”ги(1) қарорлари туризм соҳасининг норматив-ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлашда ва такомиллаштиришда асосий база ҳисобланади.

Муҳтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида: “Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради”(2) деб, таъкидлаганларидек, мамлакатимизнинг тарихий обидаларида, зиёратгоҳ масканларида, сўлим шаршарали тоғли зоналари ҳамда бетакрор қадимий ва манзарали ҳудудларида туризм салоҳиятини янада ривожлантириш лозим.

Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида,

жумладан, Ecole Hoteliere de Lausanne (Швейтсария), Cornell University Университети (АҚШ), Les Roches International School of Hotel Management (Испания), Oxford Brookes University (Буюк Британия), Blue Mountains International Hotel Management School (Австралия), University of Surrey (Буюк Британия), Москва давлат университети (Россия), Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетлари (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар(3) натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган:

- умумжаҳон ташкилотлари томонидан тан олинган тамойилларга асосан миллий туризм хизмат бозорларининг истиқболли турлари таснифланган (Ecole Hoteliere de Lausanne);
- туристик хизмат самарадорлигини ошириш юзасидан туристик кластер тизими асосланган (Harvard Business School);
- ҳалқаро институтлар тавсиялари бўйича туризм фаолияти ривожининг инновацион йўналишлари ишлаб чиқилган (Oxford Brookes University);
- жаҳон туристик-рекреацион бозорини ривожлантириш тенденциялари асосланган ҳамда прогнозлашни инновацион омиллар асосида амалга ошириш усуллари таклиф қилинган (University of Surrey);
- туризм соҳасининг миллий иктисодиётдаги ўрнини аниқлашда БТТнинг туризмда ёрдамчи ҳисоблар методикаси ишлаб чиқилган (Москва давлат университети).

Бутун жаҳонда туризм хизматлар бозори самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда:

- туризм бозорининг ташкилий-иқтисодий омилларини инновацион ривожланиш асосида янада аниқлаштириш;
- туризм хизматлари экспортини унинг янги истиқболли турлари (аграр ва вино туризми, экотуризм, малакавий - иш туризми ва бошқалар) асосида ривожлантириш;
- туризм соҳасининг субектлари фаолиятини бозор шароитида бошқариш механизмини мувофиқлаштириш;
- туризм хизматлар бозорини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш.

Монте-Карлодаги Туризм академиясида берилган таъриф бўйича, «Туризм – одамларнинг соғлигини тиклаш, бўш вақтида билишга чорлайдиган, қизиқишларни қондириш учун ёки касбий-амалий мақсадларда вақтинчалик яшаш жойида маош тўланадиган фаолият билан боғлиқ бўлмаган ҳолда доимий яшаш жойини вақтинча тарк этишининг ҳар қандай кўринишидир». Бу таърифда асосий урғу ташриф буюрувчиларнинг яшаш жойидан ташқарида олиб борадиган фаолиятига қаратилган.

Туризм индустрияси миллионлаб одамларнинг тирикчилигини таъминлайди, миллиардлаб инсонларга еса ўз халқи ва бошқа мамлакатлар халқларининг маданий ўзига хослигини, шунингдек, табиат бойлигини қадрлаш имкониятини беради. Айрим давлатларда ушбу тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 20 фоиздан ортиқни ташкил етади ва умуман олганда, туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётида йирик експорт тармоқлардан учинчи ўринни егаллайди.

2020- йилда СОВИД-19 пандемияси бутун жаҳон иқтисодиётига катта зарар йетказди, бироқ глобал ялпи ички маҳсулотнинг 70 фоизга қисқариши туризм соҳасидаги йўқотишлар ҳисобига содир бўлди.

Ўз ўрнида, Ўзбекистонда 2021- йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб туризм соҳаси аста-секин тиклана бошлади ва 2022- йил биринчи чорак кўрсаткичлари 2021- йилнинг шу давр кўрсаткичларига нисбатан анча юқори бўлди.

Шу билан бирга, Британиянинг “Тҳе Индепендент” интернет нашри саёҳатчиларнинг тавсиялари асосида, 2022- йилда ташриф буюриш учун енг машҳур 10 та жойни танлади. Рўйхатга Норман ороллари, Қоҳира (Миср), Жанубий-ғарбий Туркия, Валенсия (Испания), Ўзбекистон, Белфаст (Шимолий Ирландия), Бутан, Турин (Италия) ва Британия Колумбияси (Канада) киради. Австралиянинг “Лонелй Планет” халқаро нашриёт компанияси еса Ўзбекистонни май ойида катта бўлмаган бюджетга ташриф буюришга арзийдиган давлатларнинг “истаклар рўйхатидаги мўжизалар ва саргузаштлар ортидан саёҳатлар” тоифасидаги рўйхатига киритди.

Нашриёт таъкидлаганидек, минг йиллар давомида Марказий Осиёнинг маданий юраги деб ҳисобланган Ўзбекистонга саёҳатда инкор етиб бўлмайдиган романтик нимадур бор. Бу, айниқса, Ўзбекистоннинг учта тарихий шаҳри – Самарқанд, Бухоро ва Хивага тегишлидир. Улар ҳали ҳам қадим замонлар ҳақида гапириб турадиган мозаикли мақбаралар, масжидлар ва мадрасалар билан порлаб туради.

2022 - йил январ-март ойларида Ўзбекистон Республикасига МДҲ давлатларидан ташриф буюрган чет ел фуқаролари 578,58 минг кишини ташкил етди, бу жами ташриф буюрганларнинг 94,9 % ини ташкил етди, бошқа давлатлардан 31,01 минг киши (ёки 5,1 %) ташриф буюрган. Пандемия сабабли киритилган карантин чоралари ва давлатлараро саёҳатларни тақиқлаш 2021- йилнинг баҳорига қадар туристик оқимнинг қисқаришига олиб келди.

Туристик мақсадларда Ўзбекистонга келган чет ел фуқаролари сонининг таҳлили 2021- йилнинг И чорагида (238,86 минг киши) 2020- йилнинг шу даврига (1 213,96 минг киши) нисбатан 975,1 минг кишига (80,3 %) кескин камайганини кўрсатмоқда.

Аммо, 2022- йилнинг бошида 2021- йилнинг шу даврига нисбатан туристик оқимни ўсишини кузатиш мумкин еди. 2022- йилнинг январ-март ойларида Ўзбекистонга келган хорижий фуқаролар сони 609,59 минг кишини ташкил етди. 2021- йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 370,73 минг кишига ошган, яъни 2,6 баробарга. 2021- йилнинг бошида МДҲ давлатларидан келган чет ел фуқаролари сони 2020- йилнинг бошига нисбатан 5,5 баробарга, бошқа давлатлардан еса 2 баробарга камайган. 2021-2022- йиллар бошида МДҲ давлатларидан республикага ташриф буюрган чет ел фуқаролари сони 2,74 баробарга, бошқа давлатлардан 10,6 % га ошди.

сўнгги 3 йилда Ўзбекистоннинг барча иқтисодий тармоқлари сингари туризм соҳаси ҳам янгича ривожлана бошлади. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди, тадбиркорларга туризм соҳасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этиш, миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш учун шароитлар яратиш бўйича давлат раҳбари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди ҳамда виза режимини либераллаштириш ишлари амалга оширилди.

Туризм соҳасини жадал ривожлантириш ва тубдан такомиллаштиришда қуйидаги таклифларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Республиканинг барча ҳудудларида туризм инфратузилмасини ривожлантириш;
2. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ташқи ва ички транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспортда тақдим этиладиган хизматлар сифатини ошириш;
3. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги йўловчи ташувлар тизимини ривожлантириш;
4. Туристик бозорнинг турли сегментларига йўналтирилган туристик маҳсулот ва хизматларни диверсификациялаш;
5. Ички туризмни ривожлантириш;
6. Туризм соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида.